Абдулатифхон ибн Кўчкунчихон
(?-1551-й апрел/май)
(1540-1551)

Самарканд хони бўлган шайбоний хукмдор. У Убайдуллахон ва Барокхон билан биргаликда Хоразмни эгаллаган (1537-38-й.). 1541-йил Самаркандни Бухоро хонлигидан мустакил деб эълон килиб мамлакатда икки хокимиятчилик вужудга келишига йўл кўйган (1540-50-й.). Барокхон билан биргаликда Карманага юриш килган. Аммо Кармана хокоми Абдуллахон II бу хужумни кайтарган. Шариат жонкуяри бу хоннинг яхши хислатлари ва кўпгина тахсинга сазовор ишлари бор эди. У ўз халкига ёмонликни раво кўрмади, баъмани киликларни батамом тийилди ва зиёфатларни олим – фозилларсиз ўтказмади. Унинг даврида Самарканд шахри гуллаб яшнади. Унинг боглари Эрам богларидан хам гўзалрок деб таърифланарди.
Абдуллатифхон ўз кариндошлари орасида устун ва шухрати баланд эди. Тарих фанини яхши билар, илм-маърифатлардан хабардор эди. Кеча-ю кундузини тенг соатларга бўлиб хар бир соатида муносиб шу бажарар эди. Кучли хофизлари бор эди. Гохида шоирлар ва фозиллар билан сухбат курар эди. Ўзи эса шеър ёзиш билан кам шугулланган бўлсада, аммо ,,Хуш” тахаллуси билан шеър ёзган.Абдуллатифнинг топширигига биноан Маъсуд ибн Усмон Кўхистоний “Тарихи Абулхайрхоний” номли асар ёзади. Бу асар Кўчманчи ўзбеклар давлатига олган Абулхайрхонга багишланади. Абдуллатифхон 1551-йилда май ойида вафот этади. Ундан Абдол Султон ва Гадойхон исмли ўгиллар колган. Кабри Кўчкунчихон мадрасаси (Самарканд)да.